

Икки муқаддас масжид умра зиёратчиларини кутиб олишга тайёр



14:44 / 10.04.2021 2352

Масжид бошқарувчиси кўрсатмалари ва назорати остида Масжидул Ҳарам ҳамда Масжидул Набавий умра ибодати учун зиёратчиларни қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилди. Соғлиқни сақлаш баённомаси ва қонунда белгиланган чора-тадбирларга бўйсунган ҳолда фақатгина коронавирусга қарши вакцина билан эмланганларгина ушбу масжидларга киритилиши кўзда тутилган.

Ушбу икки масжид вакили Ҳани бин Ҳусни Ҳайдар сўзларига кўра, масжид раҳбарияти томонидан ҳар бир Умра зиёратида хизмат қилувчи масжид ишчилари ўзлари ва зиёратчиларнинг хавфсизликлари ҳамда уларнинг хотиржам ибодат қилишларини таъминлаш мақсадида вакцина билан эмланиши талаб қилинган. Буни амалга ошириш учун Соғлиқни сақлаш

вазирлиги билан ҳамкорликда барча талабларга жавоб берадиган вакциналаш жамоалари тузилган. Ҳани бин Ҳусни Ҳайдарнинг таъкидлашича, икки муқаддас масжидни стерилизация қилиш жараёни давомли суръатда олиб борилмоқда ва Рамазон ойи кириши билан бу жараёнга 5000 та ишчи жалб этилган ҳолда янада кучайтирилади. Улар кун бўйи дизенфекциялашни амалга оширадилар, бир кунда 10 мартабагача Масжидул Ҳарам бутунлай стерилизация қилинади.

Умра ибодатини адо этиш чоғида Каъбани тавоф қилишлари учун раҳбарият зиёратчиларни Каъба атрофига бир-биридан маълум масофа узоқликда 14 қатор қилиб жойлаштиришни режалаштиришмоқда. Каъбага яқин жойлашадиган илк уч қатор ёши катта ва ногиронлар учундир.

Бундан ташқари жаноб Ҳани бин Ҳусни Ҳайдар масжид бошқарувчиси ва манфаатдор идораларни эҳтиёт чораларини жорий этишда бепарво бўлмасликлари, ўзларининг хавфсизликлари ва соғлиги учун гигиенага амал қилиб, ижтимоий масофани сақлаш каби кўрсатмаларга амал қилишга чақирди.

Ҳани бин Ҳусни Ҳайдарнинг таъкидлашича икки муқаддас масжид ноиблари қирол Салмон бин Абдулазиз Ал Сауд ва тахт вориси ўзларининг беминнат кўмаklarини масжид раҳбариятларидан аямаган ҳолда зиёратчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилишига ишонч билдиришмоқда.

Манба: spa.gov.sa/viewfullstory.php?lang=en&newsid=2211648

Инглиз тилидан Зуҳра Зокирова таржимаси